Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 16 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

№ 77 (6573).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш, республиканинг маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, шунингдек, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон аҳолиси кўп сонли маҳалла фаолларининг республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. «Маҳалла» жамғармасини рўйхатга олиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари билан белгилаб қўйилиши таъкидлансин.

3. Янги ташкил этилган жамғарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат қилиб белгилансин:

Ўзбекистон аҳолисининг тарихан таркиб топган удум ва анъаналарини авайлаб асраш ва бойитишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етимларга ва ёлғиз қолган қарияларга нисбатан инсонпарварлик ва меҳр-шафқат муносабатида бўлиш ғояларини тарғиб қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш;

бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришга кўмаклашиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ой ичида «Маҳалла» жамғармасини ташкил қилиш ва бу жамғарманинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган шароитларни яратиш тадбирларини белгиловчи қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 12 сентябрь.

Тошкентдаги 63-мактабда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилганлигини ҳар бир фан бўйича махсус хоналар, лабораториялар мавжудлигидан ҳам билиб олса бўлади.

СУРАТЛАРДА:

● Биология фани ўқитувчиси Мансур Иброҳимов махсус синфда дарс ўтмоқда.

● Мактабнинг олий категорияли физика ўқитувчиси Шамсутдин Ҳуснитдинов лабораторияда ўқувчилар билан машғулот ўтказаётгани акс этган.

А. ЧАПЛИГИНА суратлари.

УЧ МАКТАБ ИШГА ТУШДИ

Янги ўқув йилидан бошлаб Янгиариқ районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги меҳнаткашларининг 320, «Остона» жамоа хўжалигининг 464, ибн Сино номли давлат хўжалигининг 464 нафар фарзанди янги мактаб остонасидан ҳатлашди.

Ўқувчиларга бу туҳфани ҳозирлашда райондаги 291-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари ҳамда хўжалик жамоалари тер тўкишди.

Янги ўқув йилида Янгиариқ райони мактабларининг 90 фоизида ўқишлар бир сменада олиб борилади.

Н. АСҚАРОВ.

АДОЛАТ КАЛИТИНИ ТОПДИК

ёки калаванинг учи энди бизнинг қўлимизда

Бу ўқув йилида олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишда тест синовлари асосидаги танлов айрим олий билим даргоҳларида тажриба сифатида қўлланилган бўлишига қарамай, бу ҳодиса кенг жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди, таълим тизимимиздаги бундайин янгилик атрофида қатор ижобий фикрлар йиғилди, ҳатто у анча шов-шувларга ҳам сабаб бўлди.

Синов имтиҳонлари борасидаги кўпчиликни ҳаяжонга солган, баъзан безовта қилаётган савол ва муаммолар қайсидир маънода ечимини топди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Шу муносабат билан мухбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси талаба танлов Маркази (ЎРТТМ) раҳбари Исломжон Турсунов билан бўлган суҳбатини сиз азиз муштарийлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

— Исломжон ака, хормангингиз энди, кайфиятингиз қалай?

— Саломат бўлинг, раҳмат, ёмон эмас.

— Мана, орадан бир ойдан ошиқроқ вақт ўтди, тест синовларининг натижалари кўпчиликни қизиқтирмоқда. Айтингчи, эксперимент қандай ўтди, тест асосидаги синовларда қанча абитуриент қатнашди?

— Менимча, эксперимент-тажриба муваффақиятли ўтди. Албатта, бу айтишгагина осон, чунки мазкур усул бутунлай янги, фақат бизгина эмас, яқин қўшниларимиз таълим-тажрибасида ҳам ҳали синалмаган, тўғрироғи, бу нарсага ҳеч ким дадил журъат этолмаган мураккаб жараён бўлиб чиқди. Аммо олдиндан айтиш мумкинки, бу усулни қўллаш билан мустақил Ўзбекистон раҳбарияти халқ таълими тараққиётида адолат ва ҳақиқат сари яна бир қадам олға ташлади, деб ўйлайман. Бу ўринда ўқув юртларига эски қабул соҳасида учрайдиган кўпчиликка маълум бўлган камчиликлар, нопокликлар ҳақида тўхталмоқчи эмасман. Бундай сарқитларни эслаб, энсани қотириш ўрнига аниқ, уларни чуқур ўйланган тузатиш чора-тадбирларини қадам-бақадам ҳаётга тадбиқ қилиб боришимиз фойдалироқдир.

Синовлар республикамизнинг тажрибага киритилган 19 та олий ўқув юртларида бир кунда ва бир вақтда (5 август эрталаб соат 9.00 да) бошланди ва бир вақтда тугалланди. Унда 24565 талабаликка даъвогар ҳалол иштирок этди.

— Бизнинг эшитишимизга қараганда, жавоб ҳужжатлари Туркияга бориб ўқитиб келинган экан. Ҳақиқатан ҳам, шунча кишининг жавоб ҳужжатлари (бу анчагина тош босувчи юк бўлган бўлса керак, яна йўл азоби деган гап ҳам бор) Туркияга олиб бориб ўқитиб келиндими ёки...?.

— Бироз қизиқроқ савол бердингиз...

— Йўқ, бу фақат менинг саволим эмас, аксарият кишилар шундай дейишмоқда.

— Ҳа, бу 200 кг. ча юк бўлди. Биз ҳам масаланинг худди шу томонларини ўйлаб, Истанбул ва Анқарада ҳатто бож хизмати вакилларидан қутиларнинг муҳрларини бузмасликларини илтимос қилдик. Туркия талаба танлов марказига тест варақалари солинган 34 та қутичани (савол-жавоб китобчалари эса аудиторияларда муҳрланиб олий ўқув юртларида қолдирилган эди) бирон-бир шикастсиз етказиб олиб бордик. Бу ҳақда турк қардошларимиз билан биргаликда тузилиб имзоланган декларация (акт, далолатнома) ҳам бор. Хизмат сафари юзасидан белгиланган барча ишларни 8 — 16 августда, яъни муддатида тугатиб, яна қутиларни муҳрланган ҳолида эсон-омон олиб келиб топширдик. Мен бу ҳужжатларнинг ҳаммасини 23 август кунидаги кўрсатувда телетомошабинлар ҳукмига ҳавола қилган эдим. Албатта, сиз айтганингиздек, йўл азоби деган нарса ҳам бўлди, айниқса, қайтишимизда. Давлат юкига нисбатан бўлган (биз ўзимизга, қўйинг-чи, болалар учун бир дона саҳ олиш учун ҳам вақт ажрата олганимиз йўқ) ўз давлатимиз ташкилотлари («Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, унинг Истанбулдаги ваколатхонаси, Тошкент аэропорти божхона хизмати) ходимларининг масъулиятсизликлари, Вазирлар Маҳкамасининг бу қутичалар давлат юки эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлишига қарамай, ортиқча «синчковлик», «зийраклик» кўрсатишлари, бизни ҳам «туристлар» билан бир қаторга қўйиб юк ичидан нимани дир қидиришлари, қандай қилиб бўлса ҳам муҳрларни бузишга ҳаракат қилишлари кишининг иззат нафсига тегар экан. Бу масалалар Туркия ҳаво йўллари ваколатхоналари томонидан тўғри тушунилганлигини таъкидлашни жуда ҳам истардим. Чунки Туркия давлати ҳудудида талаба танлов марказини (ЎСЕМ)нинг муҳри қўйилган ҳар қандай юк давлат томонидан дахлсиз деб эълон қилинган ва у барча давлат ташкилотлари томонидан муҳофаза қилинади. У ерда тест синовлари ҳужжатлари давлат ичкарисида фақат махсус автомашиналар воситасида ташилади. Ҳар бир вилоят миршаблари, йўл транспорти назоратчилари ўз ҳудудларида бу машиналарнинг тўсиқсиз ҳаракатини ташкил қилишлари ва қўшни вилоятгача кузатиб қўйишлари таъминланганки, бу ортиқча асаббузарликлар бўлишига мутлақо йўл қўймайди.

(Давоми 3-бетда).

ХУНРЕЗЛИК ТЎХТАТИЛСИН, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИНСИН!

ҲУКУМАТГА ДАХЛСИЗ МУСТАҚИЛ ТАШКИЛОТ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МИЛЛИЙ КОМИТЕТИНИНГ ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВОҚЕАЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН МУРОЖААТИ

Тожикистон фуқаролари, азиз дўстлар, ака-укалар, опа-сингиллар!

Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари асрлар давомида бирга яшаб, биргаликда меҳнат қилиб келади. Анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик, дин бирлиги, маданият, турмуш ва урф-одатларнинг ўхшашлиги уларни бир-бирига маҳкам боғлаган. Бизнинг вазифаларимиз ҳам умумий — иқтисодиётни соғломлаштириш, уни одамларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондиришга қаратиш, чинакам мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсонни камол топтиришга ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат.

Сўнгги кунларда Тожикистон Республикасидаги вазият жуда кескинлашди. Қуролли тўқнашувлар натижасида қон тўкилмоқда, кўпдан-кўп бегуноҳ болалар, аёллар, қариялар, оддий фуқаро ҳалок бўлмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясида, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳамда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги ҳужжатларда ифода этилган инсон ҳуқуқларининг Тожикистонда қўпол равишда бузилаётгани можаронинг кучайишига олиб келди. Тожикистонда энг муқаддас нарса — инсоннинг яшаш ҳуқуқи топталмоқда. БМТ низомига мувофиқ инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш барча ҳукуматлар ва халқларнинг муштарак бурчидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг қардош тожик халқига мурожаатида шу диёрда тинчлик, фуқаролар тотувлиги ва барқарорлик тикланади, деб умид билдирилган.

Ҳукуматга дахлсиз мустақил ташкилот — Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий комитети:

— Тожикистонда бўлаётган воқеалардан ташвишланаётганини билдиради, бегуноҳ кишиларнинг ҳалок бўлаётганидан беҳад қайғу чекмоқда;

— Можаро қатнашчиларини ақл-идрок билан иш тутиб, сабр-бардошли бўлишга, музокара бошлаб, тангликдан чиқиш йўлларини излашга чақиради;

— Тожикистондаги вазият — чегараларнинг дахлсизлиги қоидаларига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига сўзсиз риоя қилган, Тожикистон ҳудудидаги кам сонли миллатлар ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда, БМТ низоми қоидалари асосида бартараф этилиши лозим деб билади;

— Можарони қурол ишлатиш йўли билан ҳал этиш учун уринишга йўл қўйиб бўлмайди, бундай уринишлар беҳуда, деб ҳисоблайди;

— Мухолиф томонларни можаро тағин ҳам авж олиб кетишига йўл қўймаслик учун бор кучини сарфлашга даъват этади;

— Тожикистондаги можарони бартараф этишга доир тинчлик ўрнатиш ишларига БМТнинг тегишли кучларини жалб этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий комитети тожик халқини ўзига хос донолик кўрсатишга ва сабр-бардошли бўлишга чақиради.

Юртингиз тинч-осойишта бўлсин, азиз биродарлар!

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий комитети

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

„Маърифат"га

1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, ИШ ВА ЎҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ОБУНА БАҲОСИ: БИР ЙИЛГА — 264 СЎМ, ЯРИМ ЙИЛГА — 132 СЎМ.

ЖОНУ-ДИЛИМИЗ БИЛАН

Тожикистонлик биз ўқитувчи-мураббийлар «Маърифат» рўзномасини дилимизга энг яқин сирдош деб ҳисоблаймиз. Бу матбуот нашрига доимий обуна бўлишга одатланганмиз. Унда ҳар биримиз ўз фанимизга оид қизиқарли материалларни ўқиб боришга ҳаракат қиламиз. Тожикистонлик ўқитувчилар учун «Маърифат» яккаю-ягона маслаҳатчидир.

Ҳозирги бозор иқтисодиётининг аёвсиз тўлқинлари деярли барча матбуот нашрлари бошига ҳам ўз соясини ташламоқда, ҳамма жойда қоғоз танқислиги, қоғоз нархининг кўтарилиши, босмахона харажатларининг ошиши, матбуот нашрларини тарқатиш тўловининг кескин ошиши газета-журналларимизнинг мунтазам чиқишига тўсқинлик қилаяпти, албатта.

Шундай бўлса-да, ҳақиқий мухлислар, газетамизнинг мунтазам чиқишини истаган қалби пок азамат ва заҳматкаш ўқитувчи касбдошлар уни қўллаб-қувватлайди ва обуна бўладилар, деб ўйлаймиз. Биз эса «Маърифат»ни мунтазам олишни истаб, унга бажонидил обуна бўлишга жазм қилдик.

А. БУРГУТОВ,
Хўжанд вилояти Хўжанд районидаги 67-мактаб директори, Тожикистон халқ маорифи аълочиси.

Ф. СП—1

ССЖИ Алоқа вазирлиги «Матбуот» уюшмаси

АБОНЕМЕНТ рўзнома / ойнома "МАЪРИФАТ" 64595 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) Обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи)
Кимга
(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п. в. жойи

64595 (нашр кўрсаткичи)

"МАЪРИФАТ"
(нашр номи)

Обунани янги манзилга юбориш: Баҳоси ___ Сўм; Баҳоси ___ Сўм; Обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 24 августдаги 394-сонли қарори билан тасдиқланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ОЛИЙ, ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ВА УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИ БИЛАН МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТУЗИШНИНГ КОНТРАКТ ШАКЛИ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ (31-модда) давлат олий, ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари ва умумий таълим мактаблари педагог ходимлари (мактабгача ва мактабдан ташқари болалар муассасалари ходимлари бундан мустасно) билан меҳнат шартномаси ушбу Низомга мувофиқ контракт асосида тузилади.

Тегишли лавозимларга илгари қабул қилинган (конкурсдан ўтган) педагог ходимлар билан 1992—1993 йилларга контракт тузиш мавжуд меҳнат шартларининг ўзгариши деб қаралади ва Ўзбекистон Республикаси меҳнат ҳақидаги қонунлар мажмуининг 36—2 бандида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

2. Штат мансабини эгаллаш учун контракт 1 йилдан 5 йилгача муддатга тузилади. Контрактнинг аниқ муддати томонларнинг битими билан белгиланади. Ўриндошлик йўли билан қисқа муддатга, бир ўқув йили доирасида айрим курслар ва фанларни ўқитиш учун контракт тузишга йўл қўйилади.

3. Контракт бўйича педагог мансабни эгаллайдиган шахсларга, шу жумладан кафедралар ўқув бўлинмалари раҳбарларига талаблар давлат таълим стандартига мувофиқ ишлаб чиқилган малака тавсияномалари ва мансаб йўриқномалари асосида ўқув юрти маъмурияти томонидан белгиланади.

4. Педагог ходимларни контракт бўйича ишга қабул қилиш тўғрисидаги эълонлар оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан ўқув юртининг кўп тиражли газетасида чоп этилиши мумкин. Ариза бериш муддатлари ўқув юрти томонидан, одатда, ўқув йили бошлангунга қадар белгиланади.

5. Контракт асосида бўш лавозимни эгаллашга даъвогарларнинг номзодлари ўқув юрти раҳбариятининг тавсияномаси бўйича тегишли кафедра, услуб бирлашмасида муҳокама қилинади. Бунда ўқув юртида ишлаб чиқилган тизимда синов ўтказиш, шунингдек муаммоли лекциялар ўқишга, тажриба машғулотлари ўтказишга йўл қўйилади. Профессор-ўқитувчиларни кафедра мудири (услуб бирлашма раҳбари), кафедра мудирларини эса проректор синовга тайёрлайди ва ўтказади.

Кафедра мудири, ўқув бўлинмаси раҳбари лавозимига номзодни муҳокама қилиш бўйича кафедра, услуб бирлашмаси йиғилишини ўқув юртининг проректори (директор ўринбосари) даъвогарларни белгиланган тартибда ўрганиб чиққандан сўнг ўтказади.

6. Ўқув юрти кафедраси, услуб бирлашмаси ҳар бир номзод бўйича тавсияномаларни очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул қилади. Бунда штатдаги ўқитувчилар, шу жумладан ўриндошларнинг кўпчилик овози инобатга олинади. Контракт тузиш учун даъвогарлар овоз беришда иштирок этмайдилар. Контракт асосида лавозимни эгаллашга тавсия қилинганлар, агар кафедра, услуб бирлашма аъзоларининг кўпчилиги, овоз беришда қатнашганларнинг камида 50 фоизи овоз берсалар, ишга ўтган ҳисобланадилар. Кафедра, услуб бирлашмаси қарори овоз беришда аъзоларнинг учдан икки қисми иштирок этса, ҳақиқий ҳисобланади. Агар овоз беришда қатнашган шахсларнинг овозлари тенг бўлинса, даъвогарни танлаш ҳуқуқи ректор (директор)да қолади.

Кафедра мудири, ўқув бўлинмаси раҳбари мансабига контракт тузиш бўйича тавсияномани ўқув юрти илмий, педагогика кенгаши, кафедра, услуб бирлашмаси тақдим этган материаллар асосида яширин овоз билан қабул қилади.

7. Контракт ёзма равишда икки нусхада тузилади, ректор (директор) томонидан, шунингдек мансабга тавсия этилаётган шахс томонидан имзоланади ва томонларнинг ҳар бирида сақланади.

8. Контракт томонларнинг келишуви имзоланган кундан бошлаб мансабга тайинлаш ҳақида буйруқ чиқариш учун асос бўла олади ва у имзоланган кундан кучга киради, у томонларнинг келишуви асосида ўзгартирилиши ҳам мумкин.

9. Контрактда уни тузиш ва бузиш шартлари, ҳаракат муддати, томонларнинг ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулиятлари; меҳнатга ҳақ тўлаш ва ташкил қилиш шартлари; ижтимоий-маиший, томонлар бажариши зарур ҳисобланган бошқа шароитлар, мажбуриятлар акс эттирилади.

Контракт тузган ходимга таълим тизими ходимлари учун амалдаги қонунчиликда белгиланган имтиёз ва кафолатлар, ҳуқуқ ва вазифалар тўла тааллуқлидир.

Аёлларнинг ҳомиладорлиги ва фарзанд кўриши муносабати билан, шунингдек бола уч ёшга етгунга кадар унга қараб туриш учун бериладиган таътиллар контракт бўйича иш муддатига кирмайди.

10. Контракт бўйича ишга қабул қилинаётганларнинг иш ҳақи ҳажми чегараланмайди, лекин у ушбу мансаб учун амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган мансаб маоши ҳажмидан кам бўлмаслиги лозим.

Контрактда меҳнатга тўланадиган ҳақ ҳажмини ошириш ёки пасайтириш шартлари, устама ҳақ, мукофот учун тўланадиган пул, шу жумладан йил якуни натижаларига кўра бериладиган маблағ ҳажми белгиланиши мумкин.

11. Контракт тузаётганда томонлар амалдаги қонунчиликда белгиланмаган қўшимча имтиёзларни кўзда тутишлари мумкин. Булар — хўжалик ҳисоби даромади ҳисобидан ҳақ тўлаш, йиллик таътилга қўшиб бериладиган моддий ёрдам, ходимга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, масалан, ёши ёки касаллиги туфайли пенсияга чиққанда, контрактнинг бузилганлиги учун пул товони тўлаш ва бошқалардир.

12. Агар контрактда бошқа жойга бориб ишлаш кўзда тутилган бўлса, томонлар амалдаги қонунчиликда кўзда тутилганидан кам бўлмаган миқдорда товон пули тўлашга келишиб оладилар.

13. Томонларнинг келишувига биноан контрактда иш вақти ва дам олиш тартиби белгиланиши мумкин. Бунда таътил муддати қонунчиликда белгиланганидан кам бўлмаслиги керак.

14. Контракт меҳнат ҳақидаги қонунчиликда кўзда тутилган асослар бўйича, шунингдек контрактда кўзда тутилган асослар бўйича муддатидан олдин бузилиши ёки тугатилиши мумкин.

Контрактда белгиланган асосларга кўра, у бузилса, ходимни ишдан бўшатиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ҳақидаги қонунлар мажмуасининг 36-моддаси, 1-бандига (томонлар келишувига) мувофиқ амалга оширилади.

15. Контракт муддати тугаши билан у томонлар келишувига биноан янги муддатга узайтирилиши ёки тузилиши мумкин. Муддатнинг ўтиб кетиши, агар у чўзилмаган ёки қайта тузилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ҳақидаги қонунлар мажмуасининг 36-моддаси, 2-бандига мувофиқ ходимни ишдан бўшатиш учун асос бўла олади. Бунда ўқув юрти раҳбари тегишли кафедра, услуб бирлашмасининг фикрига асосланади.

16. Контракт тузувчилар ўртасидаги баҳслар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Контракт бўйича — — — — — — лавозимини
(лавозим номи)
эгаллашга номзод тавсияномаси юзасидан яширин овоз бериш

БЮЛЛЕТЕНИ

— — — — — — — — — — — — —

(илмий-тадқиқот институти, олий ўқув юрти, ўрта махсус ўқув юрти, ҳунар-техника билим юрти, мактаб номи)
илмий (педагогика) кенгаши — — — — — —
Илмий (педагогика) кенгаши йиғилишига — —
(йиғилиш ўтказилган кун, қайднома сони)

1. — — — — — — — — — —

2. — — — — — — — — — —

3. — — — — — — — — — —

(номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

Эслатма: 1. Овоз бериш номзод фамилиясини ўчириш ёки қолдириш билан ифодаланади.
2. Номзодлар сони биттадан ортиқ бўлган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

КОНТРАКТ

(тахминий шакли)

— — — — — — — — — — — — —

(олий ўқув юрти, ўрта махсус ўқув юрти, ҳунар-техника билим юрти, мактаб номи)
ректори (директори) — — — — — — —
(фамилияси, исми, отасининг исми)
ва ўртоқ — — — — — — — —
(фамилияси, исми, отасининг исми)
ушбу контрактни шу ҳақда тузиларки: — — —

1. Ректор (директори) илмий (педагогика) кенгаши тавсияси бўйича ўртоқ — — — — — — ни
(олий ўқув юрти, ўрта махсус ўқув юрти, ҳунар-техника билим юрти ва мактабдаги мансаблар номи)
лавозимига — — — — дан — — гача бўлган муддатга тайинлайди.

2. Ўртоқ — — — — — — — —
ушбу контрактда кўзда тутилган, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, идоравий қонунчилик ҳужжатларига, ректор (директор) буйруқларига, олий ўқув юрти, ўрта махсус ўқув юрти, ҳунар-техника билим юрти, мактаб уставига мувофиқ эгаллаб турган лавозими юзасидан
ишларни бажариш мажбуриятини олади.

3. Ўртоқ — — — — — — — ушбу контракт ҳаракати даврида, — — — — — —
(лавозим номи)
лавозимида ишлаб қуйидагиларни таъминлаши лозим:

3. 1. — — — — — — — — —

3. 2. — — — — — — — — —

3. 3. — — — — — — — — —

3. 4. — — — — — — — — —

3. 5. — — — — — — — — —

(илмий, илмий-педагогик, услубий, тарбиявий ва бошқа ўқитувчилик ишлари бўйича қўйилган талаблар ҳажми ва бажарилиши муддати аниқ кўрсатилган ҳолда саналади).

4. Ўртоқ — — — га ҳар ойда — — — сўм мансаб маоши белгиланади.
Бундан ташқари, ўртоқ — — — — га ойига қўшимча — — — — сўм ва йиллик иш натижаларига кўра — — — — — сўм миқдорда мукофот пули белгиланади.
Контрактда тилга олинган бандлардаги мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда устама ҳақ тўла тўланмайди (50 фоиз ҳажмида тўланади ва ҳоказолар).
Йиллик иш якунларига кўра тўланадиганн мукофот контрактда тилга олинган — — — бандлар бажарилмаган тақдирда — — — фоизга қисқартирилади.

5. Ушбу контрактнинг 5-бандига мувофиқ ҳақ тўлаш, ушбу контрактнинг 8-бандида кўзда тутилган имтиёз ва товон тўлаш бевосита ўқув юрти ҳисобидан тегишли ҳисоб-китоблар бўйича амалга оширилади.

6. Ўртоқ — — — га — — — иш кунидан иборат йиллик таътил белгиланади. Йиллик таътилга мансуб маошининг — — сўми миқдорида мукофот берилади.

7. Ўртоқ — — — ушбу контракт амал қиладиган бутун давр мобайнида давлат социал суғуртасининг ҳамма турларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

8. Ўринли сабабларга кўра меҳнат шартномаси муддатидан олдин тугатилса, амалдаги қонунчиликда белгиланган тўловлар билан бир қаторда ходимга — — — ойлик маош миқдорида бир вақтда тўлов тўланади.

9. Ўқув юртининг вазифаси қуйидагилардан иборат:

9. 1. Ўртоқ — — — — га лабораториялардан, кабинетлардан, аудиториялардан, ўқув залларидан, кутубхонадан, шунингдек ўқув юрти ҳисоблаш марказлари, ўқув ва илмий муассасаларидан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

9. 2. Ўқув жараёнининг юксак сифатини таъминловчи таълим услублари ва воситаларини танлаш ҳуқуқини беради.

9. 3. Таълимнинг техник воситалари, илмий ва ўқув адабиёти билан етарли миқдорда таъминлайди.

9. 4. — — — — — — — — —

10. Контракт томонлар контрактда кўзда тутган асослар бўйича, шунингдек амалдаги қонунчиликда кўзда тутилмаган асослар бўйича ҳам муддатидан олдин бузилиши мумкин:

10. 1. Томонлар ушбу контрактнинг 3 ва 11-бандларида кўзда тутилган мажбуриятни бажармасалар.

10. 2. Ўртоқ — — — нинг ташаббуси билан контракт бузилганда, у ректор (директор)га шахсий режасининг бажарилиш аҳволи тўғрисида ҳисобот бериши, контрактнинг бузилиши сабабини ва ўз фаолиятини тўхтатиш муддатини кўрсатиши керак. Агар ректор (директор) контрактни бузиш сабабидан қониқиш ҳосил қилса, уни бузиши мумкин.

10. 3. Ректор (директор) ташаббуси билан контракт ўртоқ — — — — ўз вазифасини ҳалол бажармаганда, бу мутахассислар тайёрлаш сифатининг пасайишига олиб келганда, ректор (директор) буйруғи билан тайинланган комиссия текшириши буни тасдиқлаганда, бузилиши мумкин. Ректор (директор) контрактнинг бузилиш сабаби ва кунини кўрсатади. Контрактни амалдаги қонунчиликда кўзда тутилмаган асослар бўйича бузиш чоғида ходимнинг меҳнат дафтарчасига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат тўғрисидаги қонунлар мажмуининг 36-моддаси 1-банди бўйича (томонлар келишуви) ишдан бўшатиш ҳақидаги ёзув ёзилади.

11. Томонларга алоқадор бўлмаган сабаблар ёки ўқув юрти ташаббуси билан контракт тугатилса ёки бузилса, ўртоқ — — — — га кафолатлар берилади ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ товон тўланади.

12. Ушбу контракт муддати тугаши билан у узайтирилиши, янги муддатга, муайян ишни бажариш учун кетадиган вақтга тузилиши мумкин.

13. Контракт тузувчи томонлар ўртасида келиб чиқадиган баҳслар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

14. Ушбу контракт шартлари фақат томонларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.

15. Алоҳида шартлар:

16. Контракт имзоланган кундан кучга киради.

17. Контракт 2 нусхада тузилади.

18. Томонларнинг манзилгоҳлари.

Ўртоқ — — —
(Ф. И. О.) (ўқув юрти номи) ректори (директори)

(имзо) (имзо)

Имзоланган кун

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса ушбу алоқа бўлимининг календарли штампелини босиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Рўзнома ва ойномага обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштиришганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан, шунингдек «Матбуот уюшмаси» жадвалидаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Манзилгоҳ ўзгартирилганида, ойларнинг катакларини ва «ПВ—ЖОЙИ» катакларини алоқа бўлими ва «Матбуот уюшмаси» ишчилари тўлдиришади.

Б-715—15.000.000—91 г.

ЯНГИ БОҒЧА

Асака районидаги «Соҳибкор» давлат хўжалиги меҳнаткашларининг жажжи фарзандлари учун 140 ўринли замонавий типда қурилган боғча туҳфа қилинди.

Бу боғчани бунёд қилишда «Андижанирстрой» трестининг Марҳаматдаги кўчма механизациялашган колоннасининг Адҳамжон Йўлдошев бошчилик қилаётган комплекс бригадаси қурувчилари зарбдорчасига меҳнат қилдилар. Боғчани қуришда 550 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Ш. КЕЛДИЕВ.

Ёш муаллимлар ҳақида ҳикоялар

ИШОНЧ

1988 йил. Янги, ҳашаматли 16-ўрта мактабнинг кенг ҳовлиси ўқувчилар, муаллимлар, ота-оналар билан гавжум. Ўқув йилининг бошланишидан далолат берувчи биринчи қўнғироқ чалинишини улар сабрсизлик билан кутишмоқда. Ниҳоят, митинг бошланиб, йиғинга тўпланганларни шаҳар идоралари раҳбарлари, маориф бўлими ходимлари, ота-оналар вакиллари, битирувчи ўқувчилар, шаҳар жамоатчилиги вакиллари янги ўқув йилининг бошланиши билан чин қалбдан муборакбод этишди. Қўнроқ чалингач, бир зумда ўқувчилар синф парталаридан ўрин олдилар.

Аммо майдонда 30 чоғли илк бор 1-синфга ўқишга келган жажжи ўғил-қизлару уларнинг ота-оналари ҳамда ўрта бўйли, бўғдойранг, кўзлари чақнаб турган ўқитувчи ва мактаб директори Р. Ғайнисломовгина қолган эди.

Ҳалигина чеҳрасида табассум балқиб турган ота-оналар бу вазиятдан ўзларини ноқулай сеза бошладилар. Ниҳоят, мактаб директори жажжи ўғил-қизчаларга меҳрла боқиб, безовталанаётган ота-оналар қалбига қўёш ҳароратини бахшида этгандек бўлди.

— Манзура Зубайдуллаевна, — ўзидан анча ёш бўлган қизни чақирди, Ринат Аҳмедович. Қиз директор қаршисига келгач, у ота-оналарга юзланиб, деди: — Бугундан эътиборан фарзандларингизни шу қиз ўқитади.

Манзура ота-оналар билан танишиб олгач, уни кутиб турган ўқувчилари олдига бориб:

— Қани, икки қатор саф тортинглар-чи, — деди. Улар Манзура опаларининг илк бор топшириғини ийманибгина бажаришди.

Ана энди секин-секин қадам ташлаб, синфимизга борамиз, шундайми болалар?

Бу гапдан сўнг болалар одим ташлаб, синф хоналари томон юришди.

Очиғини айтганда, ота-оналар бу жуссаси мўъжазгина қизга ишонқирамасдан, ноилождикдан ўз нури-дийдаларини биринчи синфга ўқишга қўйишга мажбур бўлишганди ўшанда.

Халқимизнинг «Жўжани кузда санайдилар», деган ҳикматли мақоли бежиз айтилмаган. Ўшанда бир қарагандa ака-опалари яхши ўқиган собиқ мактаб талабаларининг ука-сингилларини тажрибали ўқитувчилар ўз синфларига қабул қилиб, улардан «ортиб» қолган жажжилар билан Манзура Ҳамдамовага уч йил ишлашга тўғри келди. Қилинган меҳнат зое кетмади.

Биз Манзура Ҳамдамовадан заҳматли йилларда қилинган меҳнат келтирган ютуқларнинг сири нимада эканлигини сўраганимизда, у мийғида кулди-да, қуйидагиларни ҳикоя қилди.

— 1-синфда ўқитиш жараёнида тубандаги тажриба синаб кўрилди. Алифбе даврида ҳар бир дарсни саволжавоб орқали, ўқувчиларни кўпроқ сўзлатишга эришдим. Ҳарф ва товушларни ўргатишда ҳар бир ўқувчининг талаффузини текшириб, сўзларни тўғри ва аниқ талаффуз қилишига муваффақ бўлдим. Ўқувчиларни ҳарф элементларини аниқ ва тўғри ёзишга ўргатдим. Ёзув дарсларимда ҳуснихат машқларини мунтазам равишда эътибор билан ўргатиб бораман.

Бундан ташқари, ўқувчиларнинг 1-синфдаёқ дарсликлар билан мустақил равишда ишлашини, уйда дарсликдан кўпроқ фойдаланиб ўқиш, дарсликда бўлмаган топишмоқ, тез айтишлар топиб келишни талаб қилиш ўқувчиларнинг изланишини, қизиқишини, мустақил дарс тайёрлашни ҳамда оғзаки нутқларининг ривожланишини таъминлайди.

Ўқувчилар нутқини янада бойитиш учун атроф-муҳитга боғлаб дарсни ташкил этиш, экскурсиялар уюштириш, манзара ва жисмларнинг суратини эмас, айнан ўзини кўрсатиш ҳам уларнинг онги, нутқи ўсишига олиб келади.

Ҳа, Манзура Ҳамдамова ҳар бир дарсни худди ана шу метод асосида ҳаётга тадбиқ этган ҳолда ўтаётганлиги ўқувчиларни янада билимдон бўлишларини, аъло ҳулқли бўлиб тарбия топишларини таъминламоқда.

Манзуранинг иш фаолияти, у эришган ютуқларнинг сири ва туб моҳияти нимада эканлиги ҳақида мактаб директори Р. Ғайнисломовдан сўрадик.

— Биласизми, — дея сўз бошлади Ринат Аҳмедович. — бир воқеа сира ҳам эсимдан чиқмайди. Ўша йили 1-синфга чунонам бола келдики, асти қўяверасиз. Барча синфлар тўлди. Шунга қарамай, 30 нафардан ортиқ жажжилар тақдирини ҳеч иккиланмай Манзура Зубайдуллаевнага топширгандим. Янглишмаган эканмиз. Сал фурсат ўтиши билан Манзура тиришқоқлиги, талабчанлиги билан жамоада ўзини кўрсатди.

Ҳа, Манзура Ҳамдамова ўз иш фаолиятини илк бор 1982 йил тарбиячиликдан бошлаб, ўша йили Садриддин Айний номли Самарқанд давлат ўқитувчилар тайёрлаш олий билимгоҳига сиртдан ўқишга кирди. Ўқиш жараёнида 5-ўрта мактабда тарбиячи, Каттақўрғон районидаги 35-ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлади. Институтни имтиёзли диплом билан тугаллади. Илмга ташналик Манзурани яна ўқишга отлантирди. У олий ўқув юрти йўлланмаси билан Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтидаги аспирантурага ўқишга қабул қилинди. Айни пайтда М. Ҳамдамова илмий-тадқиқот институтида бошланғич таълим лабораториясининг мудири, моҳир педагог, талабчан раҳбар Қ. Абдуллаева раҳбарлигида «Ўзбек мактабларининг 1—2-синфларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш» мавзуи бўйича номзодлик диссертацияси устида ишламоқда.

Манзура Ҳамдамова ўзининг иш фаолияти мобайнида ўқувчиларни равон ўқитиш, чиройли ёзиш ва мустақил фикрлашга ишонч ҳосил қилишга муваффақ бўлди. Бу борада у жуда кўп меҳнат қилди, ўқиб-ўрганди, очиқ дарслар ташкил этди, тарбиявий соатлар ўтказди. Шаҳар мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари иштирокида она тилидан ўтказган очиқ дарси барчага манзур бўлди. Замонавий, техник воситалар ёрдамида дарсни янгича ташкил этиш бўйича маърузаси Самарқанд вилояти педагогика ўқишларига тавсия этилди...

Мана, М. Ҳамдамова яна 1-синф ўқувчиларини ўқитмоқда. Энди уни ҳамма танийди...

Ғ. ШУКУРОВ.

Меҳр, оқибат, одамлар

БОЛАЛИ УЙ—БОЗОР

Ҳамза тоғам дунёдан эрта кетди. Саксондан ошган онаси, ёшгина хотини ва норасида икки боласи ортида қолди. Кўргиликни қарангки, ёши бир жойга бориб қолган Норой момо кенжатойининг ўлиги устида «боламлаб» бўзлади. Онасининг ўлганида «онамлаб» Ҳамза тоғам йиғласа, адолатли бўлган бўларди. Афсуски, бу «дунёнинг ўзи қизиқ — ҳисоби бузуқ» экан. Аслида азоб-уқубат кўравериб, метинга айланиб кетган Норой момомга бу дунёнинг бир пақирчалик қизиғи қолмаган эди. Лекин пешонада нима ёзилганини билиб бўлмайди.

«Ўлдинг — ўчдинг» деган гап бор. Ҳамза тоғам ўлди-кетди. Ёшгина хотини эса дарров бошқа эр топиб олди. Болаларини ҳам ташлаб, бегона эркакнинг этагини тутди.

Норой момом келинини қарғамади ҳам. Йиғлаб-сиқтамади ҳам, худога солди. Икки набирасини бағрига босиб кун кечираверди. Норой момом асли табиатан иродали, бир сўзли, қайсар ва уддабурон эди. Умрининг охиригача шундайлигича қолди. Қиз-ўғиллари кўп бўлса-да, ўз уйида алоҳида яшади. Ушоқ моли, ҳатто паррандаси ҳам алоҳида, хуллас, рўзғор учун зарур нарсаларнинг барчаси унда бор эди. Икки гўдакни бағрига босиб ўстирди. Каттаси ўн ёшга, кичиги олти ёшга тўлганида, Норой момом бандаликни бажо келтирди. Ўлимидан олдин фарзандларини ҳузурига чорлаб васият қилди: — Ҳамзанинг болаларини хўрлатсаларинг, сизлардан асло рози эмасман. Гўримда тик тураман. Етимхонага берманглар, онасига ҳам.

У келинини кечира олмас эди...

Момом вафотидан сўнг онам болаларни уйимизга олиб келди. Отам вафотидан сўнг эса уларга қаттиқ суяниб қолди.

— Хола, болаларни етимхонага топширайлик. Ўқиб, ўсиб кетаверишади. У ерда ҳозир шароит жуда яхши, — деди катта холамнинг қизи Тожихон опам.

— Бекоргинани айтибсиз. Минг қилгандаям етимхона етимхона-да. Бу ерда ўз бағримда. Набираларим Гавҳар, Умидлар билан бирга бўлишади. Мен уларга қалб кўримни, дил меҳримни бериб ўстираман, — деди онажоним.

Қишлоқдаги уйимизга борсам, уйимиз бозорни эслатади. Болалар шовқин-суронидан қулоқ батанг бўлиб кетади. Онагинам, жўжаларини эргаштирган она товуқ сингари, уларга парвона. Ҳамза тоғамнинг қизи Насиба катта бўлиб қолди. Онамнинг ёрдамчиси, маслаҳатгўйи. Синглим Саодат билан менинг узоқдалигимизни билинтирмайди. Онамнинг гўдакникидек мўлтираган, меҳрибон кўзларига, ҳорғин чеҳрасига, оқ оралаган сочларига боқиб:

— Қариганингизда сизга нима зарил, бу шовқин-урон? — дейман ачиниб.

— Ундай дема, болам. Боланинг шовқини тўлсин уйимга. Саранжом-саришта бўлмаса, ивирсиган бўлсин, майли. Айтишади-ку: «Болали уй бозор, боласиз уй мозор».

МЕНИНГ АММАМ...

Менинг аммам бошқаларнинг аммасига сира ўхшамайди. Бўлиққина, оппоққина, лобаргина аммамга худо ақлни ҳам, давлатни ҳам қўш қўллаб берган.

Аммам бирор аёллар даврасига кириб қолса борми, бирпасда ҳаммани оғзига қаратади-қўяди. Сўз ўйнига, латифа айтишга жуда моҳир.

Шу аммамнинг пешонасида ёлғизгина ўғли бор. Аммо у минг ўғилга татийди. Аммамнинг болалари асли иккита эди. Аммо мен билан тенгдош Шоди гўдаклигида касал бўлиб ўлиб кетган.

Аммамнинг яна бир хусусияти шундаки, ниҳоятда озодалик, саранжом-саришталикни хуш кўради. Шу сабабли «оғир карвон» Кимё янгам аммамдан тез-тез дакки эшитиб туради. Шу аммамнинг ёлғиз фарзандидан беш набираси бор. Уларнинг ҳаммасини аммамнинг ўзи катта қилди. Кимё янгам мушукдеккина бўлиб, тунлари маза қилиб ухлар, аммам эса бедор, бешик тебратиб алла айтарди:

Ёлғиз болам, ёлғиз дарахт,
Мевалари мўл бўлсин-эй,
Данагидан мағзи ширин,
Уйим фарзандга тўлсин-эй,
Алла, болам, аллаё, алла...

Набираларидан бири Донони биз «тугмача» дердик. У тугмачадек жажжигина эди. Бувисининг елкасидан тушмасди. Аммагинам қаерга

АДОЛАТ КАЛИТИНИ ТОПДИК

(Бошы 1-бетда).

— Кечирасиз, шу ўринда яна бир савол туғилмоқда. Яқин 25 минг кишининг тақдири фақат Сизга боғлиқ бўлиб турганлигини қай даражада ҳис этдингиз, худо кўрсатмасин, узоқ йўл..., бирон-бир ҳодиса ёки фалокат юз берганида нима бўларди?

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам, бу анча масъулиятли хизмат вазифаси эди. Шу сабаб биз Туркиядаги Марказда барча ҳужжатлардан бир нусхадан қолдирдик, бу 2 жилдли китоб бўлди ва ЭҲМ хотирасида «5» рақами билан Ўзбекистон Республикаси коди белгиланиб қўйилди. Бу деган сўз — «5» рақамини босиш билан исталган вақтда машина хотирасидан бу йилги тест синови натижалари ҳақида керакли маълумотни олиш мумкин. Демак, биз билан бирор фалокат юз берганида ҳам, 24565 киши тақдирига таъсир қилмайдиган чоралар олдиндан кўриб қўйилганди, шу сабаб бу томондан биз ҳам хотиржамэдик. Менимча, масъулиятни, жавобгарликни ҳис қилиш шу бўлса керак, албатта.

— Умумий натижа қандай бўлди?

— Натижалар ёмон эмас. Биринчи, ҳали юзаки таҳлилнинг кўрсатишича, талабаликка даъвогарлар она тили ва адабиёт, социал билимлар, табиий фанлар, математикадан нисбатан анча юқори билим даражаларини намойиш қилдилар.

— Тест китобчалари икки, яъни «А» ва «В» вариантдан иборат экан. Ўзбекча, русча тўртта саволжавоб мужассамлашган тест китобчаларини кимлар, қачон, қандай тузди ва у қаерда чоп этилди?

— Бу ишлар фидойи ўқитувчилар, услубиятчилар, олимларнинг, ҳаммаси бўлиб 1700 га яқин кишининг 2 ойлик кечаю кундуз фаол меҳнатлари натижасидир. Чунки бундай кенг қамровли, ўта масъулиятли ишни Марказнинг 28 нафар ходими билан ҳеч қачон амалга ошириб бўлмас эди. Бу ҳақда қатор телекўрсатувларда ҳам озми-кўпми гапирган ва бу фидойиларнинг айримлари билан жамоатчиликни таништириб ҳам борган эдим.

Фикр алмашиш, маслаҳат қилиш, барча ғояларни рўёбчиқариш, таҳлил этиш, режалаштириш бўйича Марказнинг «штаби» Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоевнинг хизмат хонаси бўлди, десак ҳам бўлади.

Синов ҳужжатларининг ҳаммаси фақат ўрта мактаб дастури доирасида ёзилган бўлиб, албатта, айрим нуқсонлардан ҳам холи эмас. Биз бу соҳадаги барча таклиф ва истакларни ҳозир йиғаяпмиз, кейинги фаолиятимизда, сўзсиз, уларни ҳисобга оламиз, ўрта мактабларда дарслар олиб бориладиган бошқа (қорақалпоқ, қозоқ, тожик каби) тилларда ҳам тест синовларини ташкил қилишни йўлга қўйишимиз керак.

— Тест усулидаги синовлар тарғиботи, унинг қабул қоидалари, йўриқномалар кутилган натижани бердими, йўқми?

— Очиғини айтганда, биз кутилганидан ҳам юқори натижанинг гувоҳи бўлдик. Чунки бу усул биринчи бор қўлланаётганлиги, билимдан ташқари, хатти-ҳаракатларнинг биронтаси эътиборга олинмаслиги ҳужжат топширишнинг биринчи ўн кунлигида ўзимизни ҳам бир оз чўчитиб турган эди. Аммо оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчилик ва Марказ вакилларининг фаоллиги боис пировард натижада бир ўринга 2,9 та ҳужжат топширилди. (Тест синовлари жорий қилинмаган олий ўқув юртларида эса бир ўринга 2,4 тага тўғри келди). Агар ҳуқуқшунослик, шарқшунослик, иқтисодиёт, тиббиёт каби аҳоли ўртасида юқори эҳтиёждаги олий ўқув юртлари ҳам бу йил тест синовларидан ташқарида бўлганлиги эътиборга олинса, бу 2,9 рақами анча юқори кўрсаткич эканлиги янада равшан бўладиқолади.

Нисбатан юқори билим даражаларини Ангрен, Қўқон, Тошкент педагогика институтлари, Наманган, Гулистон, Урганч, Фарғона университетлари, техника олий ўқув юртларидан эса Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригация ва механизациялаш муҳандислари ва электротехника-алоқа институтлари талабалигига даъвогарлар кўрсатдилар. Демак, ҳозирча шундай хулоса қилиш мумкинки, бу олий ўқув юртлари жойлашган ҳудуд мактаблари билим бериш даражаси бошқаларга нисбатан дурустроқ экан. Аммо абитуриентлар кўрсатган натижалар бўйича атрофлича таҳлил энди бошланади. Ҳозирча бирон-бир қатъий, узил-кесил фикр айтиш нотўғри бўлар эди, деб ўйлайман. Ана шунда биз нафақат умуман ҳудуд, балки айрим вилоят, шаҳар, район, ҳатто мактабгача тушиб, жойлардаги у ёки бу предметнинг, ундаги айрим мавзу ва бандларнинг ўқитилиш даражаси юзасидан фикр билдиришимиз, уни тузатиш борасида айрим усулий ва услубий йўриқлар ишлаб чиқишимиз, зарур бўлган савияда муҳокамадан ўтказишимиз, ўз тавсияларимизни беришимиз мумкин.

Саволингизнинг иккинчи қисмига тўхтайдиган бўлсак, очиғини айтганда, мен медалистларми, олимпиада ғолибларими, тайёрлов бўлими битирувчиларими, лицей, гимназия, яна бошқа махсус ўқув юртларини битирганларми, умуман, олий ўқув юртларига киришдаги ҳар қандай имтиёзларга бутунлай қаршиман. Ахир буларнинг ҳаммаси олий ўқув даргоҳига кириш учун олиб борилаётган тайёргарликни ташкил этади, холос. Демак, олий ўқув юртига кириш даъвогарларининг ҳаммаси тест синовлари олдида мутлақо тенг ҳуқуқлидир. Агар абитуриент ҳақиқий медаль соҳиби, олимпиада ғолиби бўлса, яна бир бор бошқалардан ўз билимининг устунлигини исбот қилсин, қисқаси, биладиган одам тестдан қўрқмаслиги керак. Доно халқимиз бежиз айтмаган «Супрасида уни йўқ — том бошида қўш тандир», — деб. Билими бўлмаган, аммо медали бор, олимпиада ғолиблари ҳам йўқ эмас. Масалан, Тошкент автомобиль-йўллари институтида тест синовларида етарли баллга эга бўла олмаган, натижада бу йил ўқишга кира олмаган Андижон вилояти Жалолқудуқ районининг бир мактабини медаль билан битирган икки ўқувчиси (менда улар ҳақидаги ҳамма маълумотлар бор, уялишмасин деб номларини келтирмаяпман). 25 август куни нафақат билимларининг пастлигини, балки умумий одобий савияларининг ҳам етарли эмаслигини улар арзини эшитиш учун йиғилган нуфузли комиссия (Вазирлар маҳкамаси, Республика талаба танлов Маркази, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ходимлари, олий ўқув юрти раҳбарияти, жамоатчилик вакиллари иштирокидаги) олдида яна бир карра тасдиқладилар деб ҳисоблайман.

Аммо тест синовлари қабул қоидаларини, йўриқномалардаги тавсияларни бузганликлари туфайли конкурсда иштирок эта олмай қолган абитуриентлар ҳам бўлди. Масалан, айримлари тест анкеталарига керак бўлмаган ортиқча белгилар қўйган бўлсалар, қай бирлари ихтисослик кодини белгиламаганлар, баъзилари эса (айниқса, қиз болалар) жавобларни жуда ҳам рангсиз, билинар-билинмас белгилаганки, уни икки ўқишда ҳам машина илғамаган. Бу, албатта, абитуриентларнинг эътиборсизлиги натижаси, аммо ачинарлидир.

— Сиз нима деб ўйлайсиз, тест анкеталари кўрсаткичлари асосида маълум районлар, вилоятлардаги таълим даражаси, қаерларса, тарбиянинг аҳволига баҳо берса бўладими?

— Йўқ, чунки, мен юқорида таъкидлаганимдек, бу ишда шошма-шошарлик кетмайди. Ҳали яна, балки, олий мактабдаги жорий имтиҳонларни, мактабни битириш синовларини тест асосида ташкил қилиш, натижаларини чуқурроқ, атрофлича таҳлил қилиш керак. Бунинг учун эса Туркияга қатнаш эмас, шу ерда ўзимизда, бақувват моддий-техникавий базани яратиш, фидойи, ижодкор, адолатли, пок кишиларнинг ҳар бир предметлар бўйича гуруҳларини танлаб олиш, уларга ҳам барча шарт-шароитларни туғдириб бериш каби қатор зарурий-тадбирий чораларни шошилинч амалга оширишимиз лозимдир, токи кейинги тест синовларига ташкилий тайёргарлик ишларини, уни ўтказишда узилиш рўй бермасин, бутун жараён босиқлик, сокинлик, осойишталик билан ривожланиб борсин ва кўнгилдаги самарани берсин.

— Яна бир савол тест синови натижаларидан норозилар, апелляцион талаблар, қоларса, даъво ҳам қилувчилар бўлдими?

— Маълумки, тест синовлари бутун республикада бир кунда, 5 августда бўлиб ўтди. Синовларни ташкил қилиш, ўтказиш тартиблари юзасидан 24565 қатнашчининг биронтасидан ёки уларнинг ота-она, яқинларидан битта ҳам ёзма ёки оғзаки арз 20 кун давомида, яъни 5 августдан 24 августгача бўлгани йўқ. Асосан бу, албатта, ижобий, ҳаракат қолаверса, синов жараёнининг тўғри ташкил қилинганлигидан далолат беради.

Аммо 24 август куни давлат комиссиясининг қабул ҳақидаги қарори эълон қилинганидан сўнг жуда кўп ижобий фикрлар, таклифлар қаторида айрим норозилик аризалари ҳам бўлди. Буларнинг аксарияти шу куниёқ Марказ ходимлари, вилоят ҳокимияти, жамоатчилик вакиллари иштирокида ўз саволларига қониқарли жавоблар олганликларини билдирдилар. Лекин айримлари, уларнинг сони ҳаммаси бўлиб жумҳурият бўйича 30—40 тадан ортиқ эмас, савол-жавоб китобини, тест варақасини кўрсатасан, деб туриб олдилар. Уларга, «бунинг фойдаси йўқ, чунки бу ерда шахс-субъект иштирок этмади, ахир жавобларни машина ўқиган, унга қандай апелляция бўлиши мумкин», деган сўзлар ҳам кор қилгани йўқ. Улардан бири — кибернетика соҳаси бўйича профессор эди. У кишининг айтган гаплари фақат: «У машины тоже бывают заскоки» («Машинанинг ҳам мияси айниб қолиши мумкин»)дан иборат бўлди, холос. Профессорни абитуриент ўз жавоб анкетасини йўриқномада ва қабул қоидасида кўрсатилган талаблар асосида тўғри бажарган бўлса, ҳато бўлиши мутлақо мумкин эмаслиги, бунинг устига жавобларни икки марта машинадан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумот ҳам қаноатлантиргани йўқ. Хуллас, бу киши ва мен юқорида айтган бошқаларга комиссия иштирокида анкеталарни кўрсатишимиздан кейингина ўз аризаларига машина ва комиссия адресига даъволари йўқлиги, берилган жавоблардан тўлиқ қониққанликлари ҳақида ёзиб қолдирдилар. Ҳозирги кунда «даъвогарлар»дан фақат бир киши қолган. У ўз аризасига: «Тест варақни кўрсатишди, ҳеч қандай даъвом йўқ», деб ёзиб қўйганлигига қарамай, «энди энг юқорига чиқаман», деб юрган экан, чиқаверсин, даркор бўлса «тест варақасини» яна бир бор кўрсатармиз.

Аммо, мен шуни таъкидлашни истардимки, келинглар бу ажойиб янгиликни қабул қилайлик, машинага ишонайлик, эндигина қалаванинг учи топилганида, уни қўлдан чиқариб юбормайлик. Акс ҳолда, 24 ярим минг кишининг ҳар бири ўз жавоб анкетасини кўрсатишимизни (худди аввалги имтиҳонлардаги ёзма ишлар каби) талаб қиладиган бўлса, буларнинг ҳар бирига анкетасини кўрсатиб юқоридаги гапларни тушунтириш учун менинг қолган умрим ҳам етмаса керак, бунинг устига бу бесамар ишдир.

— Исломжон ака, охирги савол.

— Марҳамат.

— Айтинг-чи, бу синов усулида ҳар қандай эгри йўллар, қисқаси, адолатсизликнинг юз бериши мумкин эмас экан, шундай бўлса ҳам бирон-бир ножўя хатти-ҳаракат, уринишлар юз бердими, йўқми? Агар юз берса, унинг олдини олиш чоралари қандай бўлади?

— Тўғрисини айтсам, шу саволингиз суҳбатимизнинг асосини, ўзагини ташкил қилади, деса бўлади.

— Шунинг учун ҳам, уни охирига сақлаб ўтирган эдим-да!

— Яшанг, бундай хатти-ҳаракатлар сезилди. Масалан, Тошкент автомобиль-йўллари ҳамда педагогика институтлари олдида айрим шахслар томонидан тест саволлари «тўғри жавоб калитлари» (абитуриентлар лексиконида — «шаблонлар») катта пулга (8—10 минг сўмга сотилаётганини бизга айтишди. Битта шундай «шаблонни» (математикадан) пединститут абитуриенти қўлидан олиб текшириб кўрганимизда, бизнинг калитимизга мутлақо тўғри келмаслиги, «тадбиркор»лар, ҳатто, бизда йўқ бўлган «С» вариантининг ҳам калитини «ўйлаб топган»ликлари маълум бўлди. Яна шундай «миш-миш»лар ҳам бўлдики, айрим кимсалар абитуриентлар ва уларнинг ота-оналаридан «ишингизни тўғрилаб бераман», деб пуллар йиғиб олишганмиш ва ҳоказо, ҳоказо...

Бу ҳақда нима дейиш мумкин? Буларнинг ҳаммаси, тест синовига ҳаҳолда билими бор бола келишини яхши билиб, таваккалига иш тутувчи қаллоблардир. Шу ўринда халқ таълими фидойиларига, ота-оналарга: Энди етар, соддаликни, лақмаликни йиғиштирайлик, бунинг ўрнига болаларимиз билим олиши жараёнини, ҳар бир ўқитувчи, мактаб фаолиятини яқиндан ўрганайлик, ўқувчи ўқитувчи билимини, савиясини ҳам адолатли йўл — тест ёрдамида баҳолайлик, аттестацияларни ҳам тест билан ўтказайлик, талабни, назоратни кучайтирайлик. Мактабга ёрдам берайлик. Агар ортиқча пулларингиз бўлса, уни ёлғончи, фирибгарга, шамолга совурмай, ўқишга, ўқитишга, репетиторга сарфласангиз, бевосита фарзандларингиз билимига ҳақиқатда билим қўшасиз, дегим келади.

Бу — масаланинг ота-оналар, абитуриентларнинг ўзига бевосита боғлиқ бўлган томонларидир. Албатта, ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам бу борада қараб ўтиришмаса керак.

Энди биз томонимиздан яна бир ҳаракат бўлиши мумкин, у ҳам бўлса, ҳаммаларнинг диққат марказида бўлган, ҳамма орзиқиб кутаётган тест савол-жавоб китобларини ЎРТТМ муҳри билан тезроқ, бошқа бир «тадбиркор» эпчиллик қилмасдан олдин жамоатчилик эътиборига, ўқишга киришиштиёқидаги ёшлар қўлига етиб боришини таъминлашдир. Чунки энди уларнинг маҳфийлиги тугади, аксинча, ёшлар ўзи ўргансин, ундан намуна сифатида фойдаланиб, ўз билим доирасини кенгайтирсин, кейинги тест синовларидан ўйнаб-кулиб, ёруғ юз билан ўтиб кетиш учун тайёрлансинлар.

Яна бир нарса устида тўхталмоқчиман, у ҳам бўлса — тест синовларига бўлган акс-садолар ҳақида. Республикамиз аҳолиси бунинг моҳиятини — адолатли эканлигини тушуниб олди. Бунда телевидение орқали берилган туркум эшитиришлар, «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталарида чоп этилган қатор материаллар ёрдам берди. Ҳатто «қитмирлиги» билан бизга таниш бўлган «Комсомольская правда» ҳам «Честный прием» номли мақоласи билан бу йилги қабул синовларининг ҳалол, тўғри эканлигини тан олди.

— Муштарийларимиз г а қандай тилакларингиз бор?

— Агар мазкур суҳбатимиз улар фикрига фикр қўшган бўлса, бирор фойдали, самарали наф олган бўлсалар, шунинг ўзи бизнинг умумий мақсадимизни яқинлаштиради, деб ўйлайман. Бу эзгу мақсад йўлида Мустақил Ўзбекистон давлатимиз истиқболини белгиловчи ёшларимизга муносиб билим ва тарбия беришдек мураккаб, аммо шарафли ишда чарчамайлик, ҳамкор бўлайлик, дейман!

— Минг узр, анъанавий савол эсимдан чиқай дебди.

— Марҳамат.

— Талаба танлов Маркази олдида турган кечиктириб бўлмас вазифалар, Марказнинг эртанги куни, истиқболини қандай тасаввур қиласиз?

— Мана шу эзгу иш, аввалгамбор, Президентимизнинг Мустақил Ўзбекистоннинг истиқлоли, истиқболини бир неча ўн йиллар олдиндан аниқ ва равшан ҳис этиб, келажагимиз бўлган талабалар танловини тест синовлари асосида тажриба сифатида жорий қилиш ҳақидаги Фармони — таълимни, тараққиётимизни халқаро жаҳон намунаси даражасига олиб чиқиш учун қилинаётган саъй-ҳаракатдир.

Мен ўйлайманки, тажрибадан кўзланган мақсадга биз бу йил эришдик. Аммо биз бу муваффақият олдида эсанкираб қолмаслигимиз, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишимиз даркордир. Мен бу камчиликларнинг асосийларини ҳам очиқ айтмоқчиман. Масалан, биз баллар конкурсини айрим ўқув юрти, факультет ёки ихтисослик доирасида эмас, балки мутахассислик, олий ўқув юрти гуруҳи бўйича (техник, ижтимоий, табиий ва бошқа) умумий ўтказишимиз, энг юқори баллиларни биринчи навбатда энг обрўли (рейтинги юқори) олий ўқув юртларига қабул қилишимиз, абитуриентларга эса бир неча ўқув юртини ўз аризаларида кўрсатишларига рухсат беришимиз керакка ўхшайди. Чунки мақсад нисбатан юқори билимли даъвогарларни танлаб олиш бўладиган бўлса, бу йилги танловимизда бир хил предметлардан синовдан ўтганлар учун турли олий ўқув юртларида, ҳатто уларнинг факультетларида ўтиш баллари турлича бўлди, бу, албатта, қаердадир нисбатан юқори балл тўплаган абитуриентнинг қолиб кетишига, бошқа жойда эса худди шу предметларни топширган, лекин паст балл олган даъвогарлар кам бўлгани ва белгиланган режани бажариш учун ҳаракат қилингани сабабли олий ўқув юртига кириб қолишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолга йўл қўйиб бўлмайди.

Яна бир нарса — келгусида тест синовларини икки босқичда ташкил қилиш — биринчисини январь-февраль ойларида олий ўқув юрти талабалигига даъвогарларнинг умумий савияси, қайси касбга қизиқиши ва шу соҳадаги билимини аниқлаш мақсадида ўтказилса, ва шундан муваффақиятли ўтганларнинг 60 фоиздан юқори баллилари иккинчи босқичга — қабул тест синовларига қўйилса, сифат яна ҳам юқори бўлар эди. Агар даъвогар биринчи босқичдан 50 фоиздан юқори балл тўплаб, ўтса-ю, аммо олий ўқув юртига киришни истамаса, балки унга шу йўналиш бўйича ўрта махсус ўқув юртларига имтиҳонсиз кириш имконини бериш керакдир. Олий ўқув юртига конкурсдан ўта олмаган абитуриентларнинг ҳам маълум қисмига (масалан, ўтиш баллидан 1 дан 10 тагача кам балл тўплаганларига) ҳам шу таклифни қилиш керакдир. Бу тадбирлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабулни бирмунча соддалаштирган, талабалар, сифатини эса анча юқори кўтарган, турли кераксиз «миш-миш»ларни кескин камайтирган, баъзан ҳақиқий норозиликларни бутунлай йўқотган бўлар эди.

Бу мулоҳазалар ҳамда режаларимиз ҳақида тест синовлари хулосаларига бағишланган Олий таълим, Халқ таълими ҳамда олий ўқув юртлари бўлган вазирликлар қўшма ҳайъат йиғилишида (бу йиғилиш 11 сентябрда бўлиб ўтди) унинг қатнашчилари билан ўртоқлашдик. Муҳокама жараёнида фикрлар муштараклиги аниқланди.

— Раҳмат, ишларингизда муваффақият тилаймиз!

— Саломат бўлинг.

Суҳбатдош: махсус мухбиримиз Зубайда УСМОНОВА.

Иқтидорли ёшлар билан учрашув

Ҳозирги кунда иқтидорли ёшларни тарбиялаш масаласига жумҳуриятимиз раҳбарияти алоҳида эътибор билан қараётгани кўпчиликка маълум. Зотан, мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикасининг истиқболи қобилиятли кадрларга боғлиқдир.

Ўтган ўқув йилида фаолият кўрсатаётган Республика нафис санъат мактабида таълим олаётган ёшлар ўзлари танлаган соҳалар бўйича билим ва малакаларини такомиллаштириб бораётирлар. Бу ерда шоир ва адиблар, бастакор ва рассомлар, адабиётшунос ва тарихчи олимлар билан учрашувлар, музейларга экскурсиялар уюштириб турилибди.

Иқтидорли ёшларнинг ўқишлари ва яшашлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Уларга ойига 100 сўмдан стипендия берилмоқда.

Куни кеча жумҳурият ўқувчилар саройида Нафис санъат мактабида таълим олаётган ўқувчилар билан Халқ таълими вазирлиги ходимларининг учрашуви ташкил этилди. Учрашувда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари, фанларнинг ўқитилиши, ўқувчиларни қизиқтирадиган масалалар, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳақида сўз юритилди.

Учрашувда Республика халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев талабаларга эсдалик совғалари топширди.

Мухбиримиз.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ХАБАРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарори билан Нукусдаги 36-ҳунар-техника билим юрти қурилиш лицейига айлантирилди.

Лицейда малакали қурувчилар тайёрлаш кўзда тутилган. Шунингдек, талаба уни аъло баҳолар билан тугалласа, Тошкент меъморчилик-қурилиш институтининг Нукусдаги филиали умумий техника куллиётига имтиҳонсиз қабул этилади.

●

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Бекбўсин Худойберганов Хўжайли шаҳридаги Карл Маркс номли ўрта мактабга кўп йиллардан буён директорлик қилиб келарди. Яқинда мактаб жамоаси унинг 60 ёшга тўлишини тантанали равишда нишонлади ва кексалик гаштини суришга кузатди. Йиғилганлар Б. Худойбергановга фарзандлари, неварачеваралар оғушида осойишта ҳаёт кечиришини тилаб қолишди.

●

Элликқалъа районидаги Ҳожибой Йўлдошев директорлик қилаётган «Ўзбекистон» давлат хўжалигида болаларга ғамхўрлик ишлари яхши йўлга қўйилган. Жумладан, бу ерда 410 ўринли янги мактаб ва 95 ўринли янги болалар боғчаси қуриляпти.

Элликқалъадаги «Бўстонводстрой» қурилиш бошқармасига қарашли 3-кўчма механизациялашган колонна бинокорлари тарбия масканларини шу йилнинг ўзидаёқ фойдаланишга топшириш учун фидокорона ишламоқдалар.

Ғ. ЕҚУБОВ, ўз мухбиримиз.

бормасин, «тугмачани» кўтариб олиб борарди.

Синглимни Хоразмга келин қилиб узатдик. Аммам ўша ёққа ҳам «тугмача»ни опичиб, Сайёрани эргаштириб олиб борибди. «Тугмача» ғингшийди. Сўрғич сўрайди. Аммам эса худди ёш болалик аёлга ўхшаб, «тугмача» атрофида парвона.

Вақт елдек ўтди кетди. Сарвқомат аммам анча чўккан, сочларини қиров босганди. Набиралар ҳам ўсиб-улғайиб, бола-чақали бўлиб кетишди. Ўзоғ йили она-қишлоққа борсам, аммамни касалхонада дейишди. Тўнғич набирасининг ўғли Абдумалик сариқ касалга чалиниб, аммам чеварасн билан бирга шифохонада экан. Кўргани бориб, уларни палатада тополмадим. «Ҳовлида юришгандир», дейишди. Дарҳақиқат, бувичевара ҳовлида сайр қилиб юришган экан. Аммам оппоққина кабутарни эслатарди. Кўз олдимга Улдон момомнинг мусичадек беозор, мунис чеҳраси намоён бўлди. Шунда аммагинамнинг онаси — Улдон момомга ўхшаб қариганини пайқадим. У Абдумаликни опичиб олганича қувончдан боши кўкка етгудек, қаршимга югуриб келарди.

— Аммагинанг ўргилсин, — дерди ҳансираб.

— Аммажон, сиздан бошқа одам олиб ётса бўлмайдими? — дейман ачиниб.

— Аканг ёлғиз, ўзидан кўпайсин, болаларини ўзим боқайин, деб ният қилганман, дейди аммам кўзлари меҳрга тўлиб.

ЙЎЛ УСТИДА ҚОЛГАН ОДАМЛАР

Гулчеҳра Ҳайло опа билан Янгибой поччанинг ёлғизи эди. Эр-хотин уни аллада азиз, тўрвада майиз деб катта қилишди.

Гулчеҳра ёқимтой қиз бўлиб ўсди. Самарқанд савдо олийгоҳини битириб, севган йигитига турмушга чиқди. Кўп ўтмай жуфт ўғил кўрди. Ота-она қувончининг чеки йўқ эди. «Бир фарзандим 4 та бўлди», деб гапириб қўярди Ҳайло опа.

Инсон табиати қизиқ. Эртага нима бўлишини билмайди-ю, бугуннинг ўткинчи ташвиши ёки қувончидан боши айланиб юраверади. Қим ўйлабди, дейсиз, Гулчеҳра ўлади-ю, ота-она куйиб қолади, деб. Шундай бўлди. Сариқ касални Гулчеҳра парвосизлиги туфайли ўтказиб юборибди. Иложи бўлмади. Касалхонадан ўлигини олиб келишди. Ота-онаси дунёга сиғмай кетишди. Янгибой поччанинг ҳадеб бошини тошга урар, Ҳайло опа фарёди эса дилни пора-пора қиларди. Азага йиғилганларнинг ҳам йиғламагани қолмади.

— Ёлғиз болаям ўладими? Унинг жонини олган худойим меникини олса бўлмасмиди, — деб бўзларди шўрлик она. Уни «эсидан оғиб қолади», дейишди. Лекин ундай бўлмади. Ҳайло опанинг жони тошдан экан, ўзини қўлга олди. Икки невараси, «энди нима қиламиз», дегандек илтижоли кўзлари билан термулиб туришарди. Ҳайло опа чўғдек ёниб турган кўксига боласидан ёдгор бўлиб қолган икки полапонини босди. «Буларни ўстиришим керак», пичирлади лаблари. Кўзларидан оқаётган иссиқ ёш томчилари невараларининг қўнғироқ сочлари узра оқиб туша бошлади.

Вақтнинг ўзи ҳакам экан. Турмуш давом этарди. Куёв бола бошқа қизга уйланди.

— Қизим ўрнида қизим, дейман, — деди Ҳайло опа. Куёв келинни шу хонадонга олиб келди.

Аввалига ҳаммаси кўнгилдагидек эди. Аммо вақт ўтган сайин куёв ҳам, унинг хотини ҳам ўзгара борди. Куёв йиғит қалбидан Гулчеҳранинг сиймоси ўчиб борар, янги аёл бу дилни забт этган эди. Хонадондан файз кетди. Яхши-ёмон сўз ўтди. Энг хавфли нарса мана шу майда гаплардир. Инсонни бепичоқ сўядиган, асабини бузиб, ажалидан беш кун бурун ўлдирувчи душман, бу майда сўзлар, ивир-шивирлардир.

Келин Гулчеҳранинг болаларини итариб юборган куни қиёмат қўпти. Шундай ҳам омонат турган муроса иморати қулаганди. Ҳайло опанинг кўнгил уйи чилпарчин бўлганди. Куёв хотинчасини етаклаб чиқиб кетди. Ҳайло опа невараларини бағрига босиб бўтадек бўзлади. Янгибой почча мук тушиб ётиб олди.

...Оппоқ мунис тонг отди. Янгибой почча ҳовлида югуриб юрарди. Бирдан у ўкириб йиғлай бошлади. Гулчеҳра қизини айтиб йиғлади. Сўнг эса хоҳолаб кула бошлади. Бечора Янгибой почча ақлдан озганди. Уни келиб машинада олиб кетишди. Ҳайло опа невараларини қучганича йўл устида хомуш турарди...

Шарофат ИСКАНДАР қизи.



Қаранг, ака укасига
Қандай ғамхўр, меҳрибон.

Бу оқибат замирида
Инсонийлик меҳри бор.

С. МАҲКАМОВ сурати.

Қутлаймиз!

Ҳурматли Талъат Сандович Усмонхўжаев!

Инсон қанча яшагани билан эмас, балки қилган ишлари билан қадрлидир. Сизнинг ўндан ортиқ китобингиз ва юзлаб мақолаю методик қўлланмаларингиз жумҳуриятимизда спорт ишларини ривожлантиришга ҳисса қўшиб келмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги ўқув-методик совети раисининг муовини, Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси илмий-методик советининг раиси, Республика спорт медицинаси федерацияси раисининг ўринбосари... каби жамоат ишларингиз институтимизда жисмоний тарбия кафедраси мудири бўлиб ишлашингизга ҳалал бермайди. Чунки фидойилик, ишчанлик — турфа оламингизнинг шамчироғидир. Бу чироқ эса таваллуд топган кунингизга 60 йил, меҳнат фаолиятингизга 40 йил тўлаётган бугунги кунларда ҳам ўқувчи ёшларнинг қувончу ташвишларига ҳамнафасликда эзгулик сари элтувчи йўлларга машъала бўлиб турибди.

Илойим, узоқ йиллар шундай бўлсин.

А. АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТ РЕКТОРАТИ, КАСАБА УЮШМАСИ.

Қутлаймиз!

Азиз устоз Шавқиддин ТИЛАВОВ!

Сиз бутун борлиқ эзгуликка тўлган — Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришганининг бир йиллик тантаналари давом этаётган кунларда қутлуғ 60 ёшингизни нишонлаяпсиз.

Ўтган 40 йиллик педагогик (шундан 35 йили директорлик) фаолиятингиз даврида бутун билимингиз, иқтидорингиз, онгли ҳаётингизни ёш авлодни тарбиялашдек заҳматли ишга сарф қилдингиз.

Ушбу улуғ айёмда Сиз — азиз ҳамкасбимиз ва сардоримизга соғлик-саломатлик, узоқ ва сермазмун умр, шоду-хуррамлик тилаймиз.

ҒИЖДУВОН РАЙОНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ, С. АЙНИЙ НОМЛИ 20-ЎРТА МАКТАБ МУАЛЛИМЛАР ЖАМОАСИ.

САРДОР МАҲМУД

Шарқ тарихи

ИНГЛИЗЧАДАН ШАМОЛИДДИН ҲАМДАМ ВА ШАРИФ ХОЛМУРОД ТАРЖИМАСИ

Марван II (744 — 750-йиллар). Марван II умавийлардан чиққан сўнгги ҳукмдор бўлди. Бу истеъдодли инсон яхши ва ғайратли ташкилотчи айни бир пайтда қайсар ва ўз фикридан қайтмас киши эди. Шунга қарамай, у жуда катта сабр-тоқат намунасини кўрсатди. У икки нарсадан, яъни Муовия ва Абдул Малик қўлида қудратли қурол бўлиб турган марказга қарашли қўшинларни қайта қуришдан ва ички ўзаро жанжаллар ҳамда урушларга чек қўйиш соҳасида самарали чора-тадбирлар кўришдан ўзини тиймоқчи эди. Модарийлар билан ҳимйарийлар ўртасидаги мухолифлик даҳшатли даражага бориб етди. Бунга, айниқса, кўп сонли суннийлар — модарийлар, шимолликлар билан Алининг муридлари ва ҳимйарийлар ёки жанубликлар ёнма-ён турганликлари сабаб бўлмоқда эди. Улар орасидаги рақобат ва можаролар шарқда Ҳинд дарёси соҳилидаги водийнинг қуйи қисмидан тортиб ғарбда Пиренеягача ёйилдики, бу Ислом ишига жуда катта зарар етказди. Ўз вақтида зарур чоралар кўрилганда, бундай аҳволнинг олди олиниши мумкин эди.

Аббосийларнинг кўтарилиши. Муҳаммад ал-Аббосийнинг ўғли Иброҳим ал-Аббосий уруғи шарафига ўзининг қора туғини кўтариб чиққач, мамлакатда ана шундай воқеа юз берди. Абу Муслим ал-Хуросоний ажойиб тартиботчилигидан ташқари, қобилиятли саркарда ҳам эди. Иброҳим ўз акаси Абдуллоҳ қиёфасида яна бир лашкарбошига эга бўлди. Али тарафдорлари юз бераётган воқеаларни ўз ишларимиз, деб ҳисоблаётган бўлсалар, форсларда бу жанг уларнинг манфаатларига ҳам даҳлдор эканлигига ишонч зўр эди. Шу жиҳатдан улар ҳам қора туғ остида бошланган ҳаракатга қўшилдилар. Аста-секин ҳаракат умумий мазмун касб этди. Хуросон ҳокими Носир ибн Сайёр халифа Марван II га мадад юборишини сўраб оташин мактублар йўллади, лекин ёрдам ҳадеганда етиб келавермади. Аббосийларнинг қўшинлари кетма-кет зафарлар қучиб, тезда бутун Форсни босиб олдилар. Жанглар ҳар томонда давом этаётган эди, 750 киши чамасидаги аббосийлар Ироққа ҳам етиб боришди. Марван II шошилинч тўпланган қўшин билан уларнинг йўлини тўсиб чиқиб, Заб дарёси соҳилида жангга киришди. У мағлуб бўлиб, Мисрга қочиб борган жойида араб қўшинлари томонидан қўлга туширилиб, қатл этилди. Бу умавийлар қуёши ботганлигидан дарак берарди. Улар Ислом дунёсида ўн тўққиз йил ҳукмронлик қилиб, ана шундай шуҳратсиз якун топдилар.

Абдул Аббос — ҳалоскор ва қасоскор. Шу даврда Муҳаммад ал-Аббоснинг ўғли Иброҳим ҳам дунёдан ўтиб, унинг ўрнини фарзанди Абдул Аббос эгаллади. Абдул Аббос анча дадил киши эди. У ўзини орзу қилинган ҳалоскор, деб жар солди. Бобосининг бобосининг бобосига Пайғамбар туғишган амаки бўлмиш киши уруғидан эканлигини эълон қилди. Али тарафдорлари алданаётганликларини билиб турсалар ҳам, ҳеч нарса қилолмадилар. Улар яширинча ҳолатга ўтиб, ҳамкорликдан воз кечдилар. Тазйиққа учраганларидан кейин махфий ташкилот тузишди. Шу тариқа Исломнинг сиёсий танасида яширин гуруҳлардан иборат яна бир яра пайдо бўлди.

Аббосийлар ўч олади. Энди аббосийлар умавийларни тугатишга бел боғладилар. Ўз мақсадларига эришиш учун улар инсоният тарихида мисли кўрилмаган ваҳшийликка қўл уришди. Аббосий саркарда Абдуллоҳ — Абдул Аббоснинг тоғаси ҳокимлик қилаётган Шомда шундай йўл тутилди. У умавий шаҳзодаларни Авжа дарёси соҳилида жойлашган қалъа яқинида уюштирилган зиёфатга чорлади. Бунинг учун, умавийлар билан дўстлашиш иштиёқи борлигини ўйлаб топишди. Зиёфатнинг ҳеч ками йўқ эди, у ерда кўп сонли қуролланган соқчилар ҳам ҳозир туришарди. Шодиёнанинг айни авж пардасида зиёфат эгаси соқчилар бошлиғига ишора берди, у эса ўз лашкарларини чақириб, қуролсиз умавийларни тиғдан ўтказдирди. Улар том маънода қиймалаб ташланди. Фақат биргина шаҳзода — Абдурраҳмон айни вақтида таваккалчилик қилиб, ўзини ва укаси Абдуллоҳни қутқариб қолди. Улар энг яқинидаги биринчи деразадан дарёга сакрадилар. Аббосийлар ака-укани орқага қайтишга чорлаб, ҳаётларини сақлаб қолишга ва катта бойлик ато қилишга ваъдалар қилишди, ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмасликлари тўғрисида ялиниб қасам ичишди. Эндигина 12 ёшга кирган Абдуллоҳ уларнинг шу ваъдаларига учиб қайтиб борди. Акаси унга: «Аҳмоқ бўлмагин!» — деб қанчалик уқтирмасин, ёшлик қилиб орқага қараб суза бошлади. Дарё оқими кучли, ваъдалар эса жуда мафтункор эди. Қирғоққа етиши биланоқ уни чопиб ташладилар. Абдурраҳмон барча таъқиблардан қочиб қутулиб, онасининг Мағрибда (Марокашда) истиқомат қилаётган қариндошлари ҳузурига олиб борди, унга у ерда яна омад кулиб боқди. Ўз рақибларидан халос бўлган аббосийлар бутун халифаликни эгалладилар, халифага эса «ас-Саффаҳ», яъни «қонга ташна» унвони берилдики, бу унинг табиатига ниҳоятда ярашиб тушган эди.

Умавийларнинг ютуқлари. Ислом тарихи умавийларга нисбатан адолатсизликка йўл қўйди. Бунинг бир қанча сабаби бор эди. Тарихий асарларнинг аксарияти аббосийлар даврида ёзилган бўлиб, шу асрлар мобайнида уларда умавийларга кучли қаршилик руҳи давом этиб келди. Амир Муовия ўзининг қасоскорлик даъволари ва Алига қарши кураши билан кўп гуноҳларга ботди. Унинг ўғли Язид I эса шундай қабиҳ жиноятга қўл урдики, у Алига қарши ҳис-туйғулар уйғотди. Муовия тарафдорлари ва ворислари эса уларни янада авж олдириб юбордилар. Уруғлар орасидаги низо ҳам аббосийлар душманлиги ва қасоскорлиги кучайишига ёрдам берди. Натижада Ислом умавийлар қўлга киритган ютуқларни муносиб равишда баҳолашга ҳар доим ожиз бўлиб қолаверди.

Араб дунёсининг янги жиҳатлари. Биз кўпинча умавийлар араб дунёсининг кучайтирганликларини унутиб қўямиз. Араб давлати Валид ибн Абдумалик даврида анча кенгайди. Унинг ўзи ва авлодлари бутун халифаликни арабийлаштиришга эришдилар. Айни шу умавийлар замонида ҳамма жойда араб ёзуви, қонуншунослиги, тарихшунослиги ва меъморчилиги жорий этилди. Улар даврида янги маданият келиб чиқди. Лекин ҳали кўзга кўринарли бунёдкорлик фаолияти учун имконият йўқ эди, зеро, араблар зиёлиларча бўш-баёвликлари, анъанавий феъл-атвор ва урф-одатларидан бошқа ўзлари билан чўлдан ҳеч вақо олиб келмаган эдилар. Бироқ зийрак ва билимга чанқоқ араблар ўзларининг кучли хоҳишларини қондириш борасида қўл қовуштириб, кимдандир мурувват кутиб ўтиришни ёқтирмас эдилар. Шунинг учун ҳам замоналаридан мамнунлик руҳида ўзларига керак бўлган ҳамма ишларни амалга оширардилар; аслида эса янги жамият шаклланиб бораётган эди. Бировнинг бошқа бировдан устунлигини, тоифаларни тан олмайдиган араблар эндиликда зодагонларга айланганди. Ҳукмронлик даражасига эришган араб тили Бухородан тортиб то Лиссабонгача бутун халифалик тилига айланганди. Бундай ижтимоий устиворлик оддий арабларни бутунлай ўзгартириб юборди. Камтарин шогирдликдан бошлаган араблар энди бутун дунёга устоз бўлиб қолгандилар. Араб тилида сўзлашувчи ҳар қандай мусулмон уммати ўзининг Ислом йўлидаги қадр-қимматига амин бўлаётган ва халифалик бахтсаодати учун меҳнат қилаётган, арабларга даҳлдор, деб ҳисоблана бошлаган бир вазият арафасида шундай ҳолат юзага келди. Араблар умавийлар ато қилган мавқеий устунликни олти юз йил мобайнида сақлаб турдилар-ки, бу катта ютуқ эди.

Ислом жамияти. Табиий равишда ижтимоий пиллапоянинг энг юқори поғонасида турган араблардан ташқари халифаликда яна учта синф: маволилар ёки ажам миллатларига мансуб мусулмонлар, дҳиммлар ёки ҳур озчилик қуллар мавжуд эди. Албатта, давлат муассасаларидаги юқори лавозимларнинг кўпчилигини араблар эгаллаган эдилар, токи маволилар ва дҳиммлар аралаш никоҳларга асосланиб, фахрли ҳамда масъулиятли вазифаларга эришгунларича шундай аҳвол сақланиб қолди. Турли мамлакатлар ва элатларнинг вакиллари бўлган қуллар масаласида ҳам худди шундай бўлди. Мусулмонлар ўз ўлжалари ва малайларидан кўра уларга кўпроқ ғамхўрлик кўрсатардилар, дейиш қийин, лекин яхшироқ муомала қилганликлари аниқ. Уларнинг кўплари юксак ижтимоий мавқега эришиб, масъул раҳбарлик вазифаларини эгалладилар. Ҳиндистонда, ҳатто, қулларнинг сулолалари мавжуд эди. Кейинчалик аниқланишича, Буржи мамлуклар сингари Баҳри мамлуклар ҳам илгариги туркий қуллар экан. Баъзи қироллиқларга қуллар асос солишди. Бироқ араб дунёсини шу тўртала синф ташкил қилган, деб таҳмин қилиш ярамайди, зеро, ҳинд ижтимоий тузумидаги тўртта тоифа сингари улар ҳам бу соҳадаги истиснолар сирасига киради. Ҳиндлар орасидаги тўртала тоифа одамларини бир-бирларидан мутлақо ажратиб қўйган Шудра билим олиши ёки руҳоний ёхуд жангчи, раҳбар бўлиши мумкин эмасди. Мусулмонлар орасида бундай қоида йўқ эди, аралаш никоҳлар сабабли бу ерда синфлар турғун эмасди. Айни шу хусусият кўп ўтмай соф қонлик ва имтиёз даъвогарига чек қўйди. Мусулмонлар биргаликда тоат-ибодат қилишар, жангларда қатнашишар ва бир хил шароитларда яшардилар. Бироқ хўжайиннинг асли ким бўлишидан қатъи назар, унинг ҳуқуқ ҳамда вазифалари бошқаларникидан фарқ қилиши шак-шубҳасиз эди. Исломда эркин кишилар ёки қулларнинг фарзандлари ҳеч қандай фарқланмайди, чунки қулларга эркинлик ато қилиш Оллоҳнинг ҳоҳишидир.

Арабларнинг қизиқишлари. Араб — ўткир ақл-заковат эгаси. У қизиқувчан ва қатъиятли. Бироқ энди у Юнонистон ҳамда форсларнинг қадимий маданияти дастлабки меваларидан баҳраманд бўлишга мажбур эди. Янги тажрибалар ўтказишга иштиёқи зўр, касб-корда, овчиликда, чавандозликда ва жанг майдонидаги яккма-якка олишувда у ҳар ким билан беллаша оларди. Шеъриятга, нотиқлик санъатига ва ўзлигини намоён қилишга интилар, қадимий халқларни чанқоқлик билан ўргана бошлаганди. Кейинчалик турли мамлакатларда бўлгани сингари хотин-қизлар ажратиб қўйилмаганди. Улар жангларда мададкор бўлиб, ўз турмуш ўртоқлари ва ака-укаларининг ғам-ташвишларига шерик бўлишар, яхши маслаҳатлар билан далда беришар эди; кўплари ажойиб дид-фаросати ва феъл-атвори билан донг таратган эдилар. Хуллас, араб энди бадавий эмас, шаҳарлик бўлиб қолган, маданиятли инсоннинг барча хатти-ҳаракатларига шерик эди.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

КИТОБЛАР ОИЛАСИДА

АХЛОҚ ИЛМИ АСОСИ

Ислом оламида тарбия ва таълимга катта аҳамият берилган. Муҳаммад Алайҳиссалом каломларидан олинган Ҳадис шарифларида «Ибодатлардан энг афзали илм олишдур», дейилган. Маърифат уммонларидан бири Юсуф хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» китобида «билим поклиги бошқа ҳамма нарсаларнинг поклигидин устундур», мутафаккир бобокалонларимиздан Абу Райҳон Беруний «...билимлик орқали нодонлик кўтарилади (йўқолади), азоб-уқубат, шак-шубҳа ўрнига аниқлик киради», деб ёзадилар. Эътиқод Шарқда, жумладан, бизда қадимдан мавжуд бўлган. Айрим маърифатпарвар зиёлиларимиз инқилобгача ва ундан кейинги йилларда ҳам фидокорлик кўрсатишган. Буни машҳур мураббий, таълимотчи Абдулла Авлонийнинг «Турки гулистон ёхуд ахлоқ» асари мисолида кўришимиз мумкин.

«Турки гулистон ёхуд ахлоқ» рисоласи таълим-тарбия соҳасидаги қуллиёт хусусиятига эга китоб бўлиб, унда тарбиянинг барча жараёнларини ўз ичига олган 64 мавзу мавжуд. Мазкур асар дастлаб 1913 йилда, иккинчи марта эса 1917 йили нашр қилинган. Янги усул мактабларида бу тариқа дастур деярлик йўқлигидан 1967 йилда «Ўқитувчи» нашриётида М. Махсумов томонидан қайта чоп эттирилган.

Аввало шуни айтиш керакки, кейинги нашр давр сиёсати таъсирида ҳадиксираб чиқарилган. Китобнинг сиртқи, ички муқоваларида «турки» сўзи олиб ташланиб, «Гулистон ёки ахлоқ» номи билан жуда кам (ўн минг) нусхада чиққан. «Турки гулистон ёхуд ахлоқ»да яхши хулқ, ёмон хулқ, тарбия, бадантарбия, фикр тарбияси, ахлоқ тарбияси, диёнат, исломият — одамгарчилик, риёзат, илм, интизом, қаноат ва виждон каби боблар инсоннинг руҳий, маънавий, маърифий ва жисмоний камолатида муҳим ўрин тутади.

Китобда ҳар бир мавзу ўқувчининг фикр доирасига мослаштирилган ҳолда қисқа ва аниқ баён этилган. «Ахлоқ» дастури тўғрисида берилган тушунчада шундай айтилган: «Инсонларни яхшиликқа чақирғувчи, ёмонликдан қайтарғувчи бир билимдур. Яхши хулқларнинг яхшилиғини, ёмон хулқларнинг ёмонлиғини далил ва мисоллар билан аён қиладурган китобни «ахлоқ» дейилур».

Ахлоқ илмини ўқиб, унга амал қилган кишилар ўзининг ким эканини, ер юзида нима иш қилмак учун юрганини билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, яхши кишиларни, яхши ишларнинг қадр-қимматини билмас.

Муаллиф, шунингдек, таълимнинг бошқа турларини ҳам ҳаётий татбиқлар билан уқтириб ўтган. Буларни ўқиган муаллим, тарбиячи, ота-оналар ва талабалар дарҳол маъносига етиб, уни турмуш ўрнаги қилиб олади.

Таниқли мураббий Абдулла Авлоний мазкур рисолада ёш авлодни, одамларни ахлоқнинг гулистонига олиб кирадики, китобнинг барча бобларида бу раҳнамолик мужассам.

А. БОЗОРОВ, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ВА АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БУЙИЧА УҚИШ УЧУН

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қардош халқ адабиёти.

Фольклоршунослик.

Қардош халқлар тиллари.

Ватан тарихи.

Жисмоний тарбия таълими ва методикаси.

ҲУЖЖАТЛАР 15 ОКТЯБРГАЧА ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

705028, Бухоро шаҳри, Ўзбекистон 40 йиллиги кўчаси, 11-уй, илмий бўлим. Телефон 3-23-12.

Спорт

Надежда Анатолевна Комарова кўп йилардан буён Сирдарё районидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида тренер бўлиб ишлаб келаётир. Унинг талабалари район ва вилоят миқёсида ўтказиб келинаётган мусобақаларда совринли ўринларни эгаллашаётир.

— Соғ танда соғлом ақл деган гап бежиз айтилмаган, — деб ҳикоя қилади Надежда Комарова. — Спорт мактабимизда болаларнинг ўз маҳоратларини оширишларига алоҳида эътибор бераётирмиз.

Шу кунларда болалар спорт мактаби майдони ўқувчилар билан гавжум. Улар ўз устозлари Н. А. Комарова раҳбарлигида маҳоратларини ошириш юзасидан қизғин машқ ўтказишмоқда. Сиз кўриб турган суратда Надежда Комарова ўз шогирдларига ўқув машқи олдидан кўрсатма бераётгани акс эттирилган.

Суратқаш А. ЧАПЛИГИНА.

• *Мулоҳаза*

ҲАММАСИГА МУАЛЛИМ АЙБДОРМИ?

Қирқ йилдан бери халқимнинг ўғил-қизларига баҳоли қудрат билим бериб келаман. Қанчадан-қанча шогирдларим бор. Бири раҳбар, бири савдо ходими, яна бири... Уларнинг ҳар бири билан учрашганимда кўнглим тоғдек кўтарилиб, бошим осмонга етади. Чунки улар меҳнатим маҳсули. Шу давр мобайнида бирон шогирдимдан, менга ёмон дарс бердингиз, деган гапни эшитганимча йўқ.

Меҳнат фаолиятим давомида ўқувчиларни доимо ҳалолликка, тўғриликка, Ватанни, халқни севишга, чуқур билим олишга, ота-онага раҳмат келтиришга, ёмон йўлга юрмаслик зарурлиги ҳақида насиҳат қилиб келаман. Менимча, ҳеч бир муаллим ўз ўқувчисига ёмон йўлга юриш ҳақида таълим бермайди.

Оддий ишчидан тортиб, раҳбарлик лавозимида хизмат қиладиган шахслар ҳам муаллим тарбиясини олганлар. Улар тилини равон қилган, оқу қорани танитиб йўлга солган дастлабки мураббий муаллимдир.

Ажабо, баъзи раҳбар шахслар айбни муаллим зиммасига юклашади. Ўқувчи ёмон ўқиса, ўғирлик қилса, бировни ҳақоратласа, ичса, чекса, нопок йўлларга юрса ўқитувчи айбдорми? Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг ортидан пойлаб юриши керакми? Ўқувчи суткада кўпи билан 5—6 соат муаллим ихтиёрида бўлса, қолган вақтда ота-она қучоғидадир. Ота-она ўз фарзандининг юриш-туришини мунтазам кузатиб бориши шарт.

«Қуш уясида кўрганини қилади», дейди доно халқимиз. Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг юриш-туриши, босган ҳар бир қадамини синчковлик билан кузатиб борса, ёшлар ўртасида содир бўлаётган нохуш ҳодисалар бирмунча камайиши турган гап. Бундай ножўя ҳаракатларнинг кўпайиши сабабларидан бири қонунларимизнинг бўшлигидадир. Жиноят содир этган шахс шундай жазоланиши керакки, унинг иккинчи марта жиноятга қўл уришга юраги дов бермасин. Шундагина ёшлар орасида рўй бераётган жиноий ишлар камайиши мумкин.

Шундай эмасми, ҳамкасблар?

Қ. БОТИРОВ. Самарқанд вилояти.

Бош муҳаррир Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32--78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г-358. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 21.00. Тираж 44521.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12